Ҳисобот даврида банк молиявий ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда барча асосий кўрсаткичларнинг прогнозлар доирасида бажарилиши бўйича банк Бошқаруви томонидан амалий чоралар кўрилди. 2020 йилнинг якунига кўра банкнинг соф активлари 15 923,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 214,1 млрд. сўмга ёки 25,3 фоизга ўсди. Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг улуши 88,5 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳисобот даврида банк фаолияти асосий кўрсаткичларининг юқори даражада бўлишига эришилди. Жумладан, банкнинг мажбуриятлари 13 509,5 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда ҳаражатга тортилувчи мажбуриятлар 92,7 фоизни ташкил этди.

2020 йил фаолияти якуни бўйича банк жами капитали йил бошига нисбатан 968,1 млрд. сўмга ортиб, 2 413,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ривожланиб бораётган рақобат муҳитида Қишлоқ қурилиш банк замонавий хизматлар доирасини кенгайтириш ва мижозлар салмоғини кўпайтириш мақсадида амалдаги банк таркибий тузилмасини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида билими, малакаси, амалий иши, ишбилармонлигини кўрсата олган ёш истиқболли, иқтидорли ходимлар билан янгиланмоқда.

Банк Кузатув кенгаши ўтган молия йилида ўзининг Низоми асосида фаолиятини тўлиқ олиб борди, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, Кузатув кенгаши аъзоларининг вазифалари уларнинг ҳар бири учун Кузатув кенгаши раиси томонидан тақсимланди ва уларга юклатилган вазифалар тўлақонли бажарилди.

Хулоса ўрнида, республиканинг йирик молиявий муассасаларидан бири бўлган Қишлоқ қурилиш банк мамлакат иқтисодиётининг барча йўналишларида фаолият юритувчи мижозларга, аҳолига сифатли ва жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга бўлган ҳамда барқарор ривожланиш йўлидан бораётган банклардан бирига айланмоқда.

## БОШҚАРУВ РАИСИ МУРОЖААТИ

### Хурматли акциядорлар, мижозлар, ҳамкорлар ва ходимлар!

Сизларга Акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 2020 йилги фаолияти натижалари, ҳисобот даврида банк томонидан амалга оширилган ишлар ёритилган ҳисобот тақдим этилмоқда.

Мамлакатимизда яратилган қулай макроиқтисодий муҳит, банк молия тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси Банк фаолиятининг барқарор ривожланиши учун устувор омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича, устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олиниши лозимлиги таъкидланиб, "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да барча соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш белгиланди.

Хусусан, ўтган ҳисобот йилида Банк ўз фаолиятини капиталлашув даражасини янада оширишга, ресурс базасини мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини тараққий топтириш юзасидан комплекс дастурларни амалга оширишга, инвестицион фаолликни оширишга, қишлоқ жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратган ҳолда барча кўрсаткичларни барқарор бўлиши таъминланди.

Ўз навбатида, банкимиз давлатимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган тадбирларида фаол иштирок этди. Ушбу эришилаётган барча ютуқлар, аввало, Сизнинг, яъни банк акциядорлари, мижозлари ва ҳамкорларининг молия муассасамиз билан ўрнатган узвий, ўзаро ишонч асосидаги ҳамкорлигингиз натижаси деб биламиз, ҳамда барчангизни банк жамоасига билдирган ишончингиз ҳамда банк ривожига бевосита қўшаётган улкан ҳиссаларингиз учун самимий миннатдорчилик билдирамиз. Келгусидаги ўзаро ҳамкорлигимизнинг янада самарали бўлишига умид қилиб қоламиз.

Хурмат билан, Банк Бошқаруви раиси  
А.А. Муратов

# БАНКНИНГ 2021 ЙИЛДА КУТИЛАЁТГАН АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ ПРОГНОЗИ



# БАНК СТРАТЕГИЯСИ

## Банк Кузатув кенгашининг 2020 йил 17-июндаги 9-сонли қарори билан тасдиқланган

### Банк стратегиясининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

молия соҳасида аҳоли иштирокини яхшилаш мақсадида қишлоқ жойларда мижозларга йўналтирилган маҳсулотлар ва хизматларга алоҳида эътибор қаратиш орқали ипотекали кредитлаш ва қурилишни молиялаштириш йўналишида етакчи банк бўлиш;

банк замонавий маҳсулотларини таклиф қилиш орқали ва чакана бизнес сегментига эътибор қаратган ҳолда мижозларга йўналтирилган бизнес-моделни ишлаб чиқиш;

жамиятда ишончни кучайтириш аҳоли ўртасида молиявий саводхонлик ва банк тизимига бўлган ишончни ошириш;

кенгайтирилган замонавий технологияга эга бўлган мослашувчан операцион моделини ишлаб чиқиш, келажакда банк соҳасида хусусийлаштиришга тайёр туриш.

### Банк стратегиясининг устувор йўналишлари:

1

Қишлоқ жойларидаги кичик шаҳарларда ипотека кредити, уй-жой ва бренд танилиши йўналишларида мавжуд имкониятларни кенгайтириш. Бунда, иккиламчи уй-жойлар учун ипотека кредитларини ажратиш, мижозлар қамровини кўпайтириш ва товар таклифларини яхшилаган ҳолда кичик шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ривожлантириш мақсадида кредитлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича комплекс лойиҳаларни тузиш, давлат дастурларидан ташқари қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига ва ипотека кредитига бўлган талабни қондириш ва уларни хажмини ошириш режалаштирилган.

Аҳолининг кундалик эhtiёжлари ва янги авлод талабларига жавоб берадиган ягона хизмат кўрсатиш марказининг моделини яратишга қаратилган устувор йўналишлар, мижозлар маълумотларини шакллантиришни такомиллаштириш, банк фаолияти ва илғор тажрибани мижоз нуқтаи назаридан баҳолаш, мижозлар сегментига мослаштирилган маҳсулот портфелини яратиш каби вазифаларни қамраб олиш.

2

# 3

Турли ҳил молиялаштириш йўналишлари ва депозитларни кўпайтириш орқали молиявий барқарорликни ошириш. Депозитларни жалб қилиш, воситачиларсиз тўғридан-тўғри халқаро пул ўтказмаларини ўрнатиш, ислом банк маҳсулотларини ривожлантириш.

Бозорнинг янги эҳтиёжларини қондириш мақсадида замонавий амалиётлар ва технологиялар ёрдамида самарадорликни ошириш. Бунда, хизмат кўратишнинг энг яхши усулини топиш ва филиалларни қайта баҳолаш, ташқи кўриниш ва дизайнга ўзгартириш киритиш, филиалларга янги шаклдаги хизматларни қўшиш, филиаллардаги ходимларнинг вазифаларини қайта тақсимлаш, автоматлаштириш ва технологик жараёнларни амалга ошириш режалаштирилган.

# 4

## Банк стратегияси инструментлари Тижорат модели:


- ўзгаришларни бошқариш функциясини яратиш ва амалга оширишдаги муҳим биринчи қадам бу банк ишчилари (ходимлари) тафаккурини стратегик ўзгаришларга тайёрлаш;
- замонавий филиаллар тармоғини яратиш. Мижозлар билан ҳамкорликда ишлаган ҳолда, филиал тармоқларини қайта кўриб чиқиш;
- рақамли ва кўп каналларни ривожлантириш. Мижозларга бўлган эътиборни ошириш орқали мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида бизнес моделни амалга ошириш;
- ипотека маҳсулотлари турларини кенгайтириш, янги мижозларни жалб қилиш ва маҳсулотларни сотиш учун мавжуд субсидияланган ипотекадан фойдаланиш;
- исломий банк маҳсулотларини жорий этиш орқали диний сабабларга кўра, анъанавий банк хизматларидан фойдаланмайдиган исломий мижозларни жалб қилиш;
- яшил кредит брендини яратиш, бундай ташаббусларга давлат томонидан қизиқиш ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, экологик тоза маҳсулотларга устувор ахамият қаратиш;
- ихтисослашган ноёб маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали мижозларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш, ишонч ва садоқатини қозониш;
- ягона хизмат кўрсатиш марказининг моделини яратиш. Бунда, ҳамкорлик дастурлари, замонавий ва мижозларга йўналтирилган хусусиятлар ва содиқлик дастурлари орқали ўзаро савдо сотиқнинг кўпайиши юзага келади.

# БАНК СТРАТЕГИЯСИ

## Операцион модел:

- ✓ банк фаолиятини қайта кўриб чиқиш орқали операцион моделни янада самарали бошқарув тизимлари ва бизнес жараёнлари билан яхшилаш;
- ✓ маълумотларни бошқариш тизими, яъни биринчи ўринда рақамли банкка айланиш;
- ✓ бизнес жараёнларни бошқариш BPM тизимини яратиш ва ҳужжатларни бошқариш DMS, бунда банк учун муҳим бўлган жараёнларни оптималлаштириш мақсадида кучли бошқарувни ва интизомни ривожлантириш;
- ✓ бэк офис фаолиятини автоматлаштириш (ERP). Банк ресурсларини режалаштириш тизимини яратиш орқали мижозларга йўналтирилган интерфейсни қўллаб-қувватлаш ва кучли бэк-офис тизимини яратиш;
- ✓ ўз ички имкониятларини яратиш. Давомий оптималлаштириш жараёнларини амалга ошириш мақсадида мутахассислар ўз вазифалари, функциялари ва уларнинг роллари билан таништирилиши;
- ✓ мижозлар билан муносабатларни бошқариш CRM тизимида янги авлод технологияларини бирлаштириш орқали мижозларга йўналтирилган бизнес моделни ишлаб чиқиш;
- ✓ кредит ажратиш жараёнини оптималлаштириш ва уларни бошқариш тизимини яратиш. Ушбу жараённи яхшилаш иш самарадорлиги, тезлиги, қарор қабул қилиш, маҳсулдорлик ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади;
- ✓ инфратузилма лойиҳаларида агент ролини бажариш;
- ✓ процессинг марказини ташкил этиш.

## Эришиладиган натижа ва асосий кўрсаткичлар (2024 йил)



# QQB-TRANSFER

Республиканинг бошқа худудидаги яқинларингизга пул юбормоқчимисиз?

Карантин шароитида бунинг осон ечими бор — “QQB-TRANSFER” пул юбориш тизими!

**Демак:**

- Қишлоқ қурилиш банкнинг исталган филиалига пулни нақд ёки нақдсиз шаклда топширасиз;

- Яқинларингиз эса банкнинг исталган филиали орқали маблағларни ўзлари истаган шаклда олишлари мумкин.

**“QQB-TRANSFER” — қулай, ишончли, тежамкор, тезкор!**

Изоҳ: Миллий валютада пул ўтказмаларини АТБ Қишлоқ қурилиш банкнинг “QQB-TRANSFER” тизими орқали амалга ошириш тартибига асосан нақд ёки пластик картадан миллий валютада пул ўтказмалари жўнатувчи томонидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳарбий гувоҳнома)нинг асли тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.



## MESSAGE FROM THE CHAIRMAN OF THE SUPERVISORY BOARD

### Dear shareholders and their representatives!

During the last reporting year performance of Qishloq qurilish bank was focused to fulfillment of Presidential Decrees and Governmental decisions accepted in order to achieve socio-economic development of the Republic, improve people lifestyle, make partnership with international financial entities and foreign banks to improve resource base of the local banks. Additionally, meeting reports, tasks and "Business plan" indicators were prioritized to perform as a result of the Presidential visits in different regions of the country.

To minimize negative influence of COVID-19 and global crisis on economic sectors and support entrepreneurship during the pandemic, based on the Central Bank of Uzbekistan policy, to avoid undesired impacts of pandemic consequences, loans' due periods were prolonged. In particular, because of the limit settled in movement of the population to block dissemination of coronavirus, online system implemented, which enabled customers to ask for prolongation by using web sites, internet-banking, mobile app, call-center and contact tools. Also, at the beginning of the quarantine, in order to prolong the due dates and avoid disturbing the customers, contracts were changed automatically by banks. This led to customers stay at home and freed them from visiting banks. Another facility for debtors was that all banks were instructed not to impose fines for prolonged loans with overdue payments. Also, collaterals were not captured in case of returning the overdue payments.

More than 990 thousand of legal entities and individuals were served through 43 branches, 24 mini banks, 24 banking service centers and 374 service desks.

During the reporting period, there were 18 meetings in total. These meetings were held to ensure the execution of Presidential Decrees assigned during the visits, Government orders about improving banks' performance, fulfill the instructions made in the bank shareholders' general meeting, maintain stable growth of bank capital, increase assets volume, increase level of productivity, create extra facilities for customers, improve working condition of personnel. In turn, relevant decisions and instructions were assigned during the meetings.

Chairman of the Management Board reports for each quarter was listened and performed tasks were evaluated accordingly by the Supervisory Board. Additionally, in the same way, reports of Internal audit, Management committee of assets and liabilities, Committee of investment, Committee of risk control were observed and relevant measures and recommendations were made to increase their responsibility and productivity.

During the reporting period, according to "Business-plan", 223,7 bln. uzs net profit was made also there was on, increase in main indicators as compared to previous year the total profit reached to 2 373,4 bln. uzs.

To maintain bank's financial stability, Management Board ensured the fulfillment of all indicators in the area of forecast. At the end of 2020, bank net assets reached to 15 923,5 bln. uzs. It increased up to 3 214,1 bln. uzs or 25,3% as compared to previous year. Profit making asset shares reached to 88,5% out of 100%.

During the reporting period, main financial indicators were at high level. Amount of liabilities was 13 509,5 bln. uzs. and accrued liabilities were 92,7%.

At the end of 2020, bank's total capital amount, as compared to starting period, increased by 968,1 bln. uzs. and reached to 2 413.9 bln. uzs.

Due to regular increase in the level of competition, in order to broaden banking service range, maximize customer base Qishloq qurilish bank has been renewing its staff and hiring young smart and hardworking specialists along with conducting critical review of bank's organizational structure.

It can be considered that in the previous year the Supervisory Board fully performed its functions according to its normative.

Chairman of the Supervisory Board allocated functions for each member and ensured their full accomplishment.

In conclusion, huge financial entity, Qishloq qurilish bank is becoming one of the stable developing banks by providing high quality services for customers in all spheres of the state economy.

**With regards, Chairman of the Supervisory Board  
D.A. Kuchkarov**

## MESSAGE FROM THE CHAIRMAN OF THE BOARD

### **Dear shareholders, customers, partners and staff!**

You are being provided with a report concerning the performance outcomes of the JSCB “Qishloq qurilish bank” and actions completed in 2020.

Sound macroeconomic condition created in our country, execution of programs focused in deep reformation in banking and financial sectors, provide with opportunities for stable development of the bank.

President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev in his address to the legislative chamber of the Oliy Majlis said that in our country in 2020 and the next 5 years priorities and tasks should be defined in the field of development, in the “Year of Development of Science, Education and the Digital Economy” measures should be taken to priority development in all directions and it is planned to carry out large-scale work on reform.


In the previous reporting year, bank paid attention to increase the level of capitalization, strengthening the resource base, implementing complex programs to develop main sectors of economy, becoming more active in investment, financing housing in rural areas, financial support of SME and also all indicators were ensured to be stable.

In turn, our bank actively participated in activities of structural changes of economy, modernization of leading sectors, technological upgrades, creating a sound entrepreneurship condition and increasing employment rate.

We consider that these achievements are consequence of sound cooperation of bank’s shareholders, customers and partners of our bank. Moreover, we express our gratefulness for your trust and commitments to bank’s development. We hope our future partnership will be more productive.

**With regards, Chairman of the Board  
A.A. Muratov**

# FINANCIAL FORECASTING OF BANKING ACTIVITIES IN 2021



# BANK STRATEGY

Approved by the Supervisory Board on June 17, 2020, Resolution No. 9

The main objectives of the bank strategy are:

The following are the main objectives of the bank strategy

Being a leading bank to finance mortgage lending and construction financing by focusing on customers in rural areas in order to improve the population in the field of finance.

Development of a business model to customers by offering modern products and focus on retail business segment.

Increase trust in society, to increase the financial literacy and trust of society in the banking system.

Development of a flexible operating model with extended modern technology, to be prepared for privatization in the future in the future.

## Priorities of the bank's strategy:

1

Expanding the available opportunities in the direction of mortgage loans, housing and Brand recognition in small cities in rural areas. In order to lend the personalized lands and the development of computer loans, the coverage of customers and the improvement of customers, improve small cities and settlements, in rural housing in rural areas, and It is planned to meet the demand for the mortgage loan and increase the volume.

Coverage of tasks such as creating product portfolio, in order to improve the formation of customer segment, assessing the formation of customer information, assessing the customer segment of the population, to create customer information, assessing the customer segment of the population, to create a model of service center and the only service center that meet the requirements of the new generation.

2

3

Improving financial stability through various fundings and deposits. Attracting deposits, installation of direct international money transfers, development of Islamic banking products.

Improving efficiency with modern operations and technologies in order to meet the new market needs. In this case, find the best way to serve and reduce branches, add new forms, automation and technological processes to the branches, automation and technological processes.

4

### Bank strategy tools: Commercial model:


- The first step in the creation and implementation of the change in management function is the preparation of the employees for strategic changes;
- Creating a network of modern branches. Revision of branch networks working in cooperation with customers;
- Develop digital and multi-channels. Implementation of a business model to meet the needs of customers through increasing customers;
- Use of existing subsidized mortgages for expanding the range of mortgage products, attracting new customers and selling products;
- Involvement of Islamic clients that do not use traditional banking services for religious reasons through the introduction of Islamic banking products;
- Creating a green credit brand, focusing on environmentally friendly products, taking into account the growing interest of such initiatives;
- Meeting the daily needs of customers through the development of specialized / unique products to gain trust;
- Creating a model of a single service center. In this way, there will be an increase in trade programs through cooperation programs, modern and customer-centered characteristics and loyalty.

# BANK STRATEGY

## Operation model:

- ✓ Improving the operating model with more effective management systems and business processes through revision of banking activities.
- ✓ Database management system, i.e. become a digital bank in the first place, becoming a competitive bank by modernizing the technological infrastructure;
- ✓ Business process management Creation of the BPM system and the DMS management DMS, to develop strong management and discipline for the purpose of optimizing the processes that are important to the bank;
- ✓ Back office automation (ERP). Supporting customer-focused interface and creation of a strong advance system through the creation of a bank resource planning system;
- ✓ Creating their own internal capabilities. In order to carry out continuous optimization, specialists are acquainted with their functions, functions and their roles;
- ✓ Development of a business model for customers by combining new generation technologies in the CRM system;
- ✓ Optimization of the credit allocation process and creating a system of their management. Improving this process will serve to improve work efficiency, speed, decision-making, \* productivity and customer service;
- ✓ Perform the role of the agent in infrastructure projects;
- ✓ Organization of Processing Center.

## Image results and key indicators (2024):



# QQB-TRANSFER

Are you going to send money to your relatives in other sides of the country?

Simple solution during pandemic - "QQB TRANSFER" money transfer system

Thus:

- Pay in cash or by credit to any branch of "Qishloq qurilish bank"

- Your relatives can receive this money in any form

"QQB -TRANSFER" - easy, reliable, not costly, soon

Note: To perform "QQB-TRANSFER" in national currency, identification document (passport, military certificate) is needed



## **НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ** **ANALYSIS OF THE RESULTS**

---

79 *Мижозга йўналганлик*

89 *Customer orientation*

---

81 *Чакана бизнес*

91 *Retail business*

---

83 *Инвестицион муҳит*

93 *Investment condition*

---

85 *Технологик платформа*

95 *Technological platform*

---

87 *Тадқиқотлар ва инновация*

97 *Researches and innovations*

---



### Банк хизматлари истеъмолчиларига яратилган қулайликлар

1

Банк филиали алоқа рақамлари билан боғланиш масалаларидаги мижозларнинг эътироз ва фикрларини эътиборга олган ҳолда Банк расмий веб-сайтидаги (<https://qishloqqurilishbank.uz>) банк филиали тўғрисида кўрсатилган маълумотлар бўлимига қўшимча равишда “Мижозга хизмат” ахборот марказлари телефон рақамлари жойлаштирилди.

Банк расмий веб-сайтидаги Интерактив хизматлар бўлимида Бошқарув раисига электрон мурожаат йўллаш имконияти жорий этилди.

2

3

Бош банк ва филиалларда мижозларни шаффоф маълумотлар билан таъминлаш мақсадида “Истеъмолчилар бурчаги” ахборот стендлари ташкил этилди. Уларда мижозларга банк хизматларини кўрсатиш тартиби, шартлари ва қиймати, банк операциялари бўйича тарифлар, фоиз ставкалари, истеъмолчилар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби, шу жумладан мурожаат қилиш усуллари ва улар йўлланадиган манзиллар, истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди.

2020 йилнинг 27 декабридан банк мижозлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказилиб, сўровнома натижаси таҳлил этилди ва билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида таклифлар тайёрланди.

4

5

Мижозларнинг банк тизимида бўлган ишончини янада оширишда 2020 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Банкнинг “Telegram”, “Instagram”, “Facebook” ижтимоий тармоқларида “Молиявий саводхонлик” рўқни остида молиявий ва ҳуқуқий маълумотлар ҳар ойда камида бир маротаба канал аъзолари эътиборига ҳавола этиб келинмоқда.

6

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” мижозларига хизмат кўрсатиш стандартлари ишлаб чиқилиб, жойлардаги банк ходимларига истеъмолчилар билан мулоқотга киришиш, мулоқотни яқунлаш, уларнинг эътирозлари билан ишлаш ҳамда ушбу стандартларга риоя қилишни назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аҳолини банк хизматлари ҳақида тезкор ва сифатли ахборот билан таъминлаш, банк хизматларини таклиф қилиш, мижозлар мурожаатлари билан ишлаш ва уларга ўз вақтида жавоб бериш мақсадида Банкнинг янги форматдаги “Contact” маркази ташкил этилиб, 78-150-00-55 (қисқа 1254) телефон рақами фаолияти йўлга қўйилди.

7

8

Мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM) лойиҳасини жорий қилиш ишлари бошланди.

Банк мижозларига қулайликлар яратиш мақсадида банкнинг 5 та бинолари замонавий тўлиқ таъмирланди. Таъмирлаш жараёнида мижозларга қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

9

10

Йил давомида 24 та қўшимча банк хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

## ЧАКАНА БИЗНЕС

### Замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш



“QNB Mobile” мобил илова орқали хориждан пул ўтказмаларни қабул қилиш имконияти яратилди



Миллий валютадаги банк карталаридан банкоматлар орқали автоматлаштирилган шаклда хорижий валюта сотиб олиш йўлга қўйилди



Модулли кредитлаш жорий қилинди. Ипотека кредити мавжуд мижозлар қўшимча ҳужжатларсиз янги кредит олишлари мумкин



Мижозлар учун шахсий кабинет, банк маҳсулотларига онлайн аризалар ва банк маҳсулотларини уйга етказиб бериш хизматлари жорий қилинди



24 та “Банк хизматлари марказлари” ва 40 тадан ортиқ 24/7 режимида ишлайдиган шаҳобчалар ташкил этилди



NFC ва QR-Code орқали тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилди

## Замонавий ахборот технологиялари йўналишида режалаштирилган ишлар



Мижозлар билан  
ҳамкорликда Cash-back,  
Co-brand тизимларини  
жорий қилиш



Омонат дафтарча  
ўрнида қўллаш  
учун Депозит карта  
жорий қилиш



Рақамли  
технологияларга  
асосланиб, мижозлар  
учун ягона мобил  
платформани  
такомиллаштириш



Кредитлаш жараёнини  
автоматлаштириш  
“Кредит конвейери”  
да 70 мингдан ортиқ  
мижозни қамраб олиш



Халқаро тўлов тизимлари  
билан ҳамкорликда  
виртуал карталарни  
жорий қилиш

# ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ


## Банк томонидан жалб қилинган ва ўзлаштирилаётган кредит линиялари

### Уй-жой қурилиши дастури дирасида



### Тадбиркорлик субъектлари учун





## ТЕХНОЛОГИК ПЛАТФОРМА

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан 2020 йилда ахборот коммуникация технологияларни ривожлантиришга 2 960,0 млн. сўм ҳамда 1 625,0 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар инвестиция қилинди. Ҳисобот йили мобайнида 20 дан зиёд миллий ва хорижий IT-компаниялар билан самарали иш олиб борилди. Ушбу маблағлар банкнинг ахборот коммуникация технологиялари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, жумладан янги замонавий серверлар, компьютер ва тегишли аксессуарлар, дастурий таъминотлар сотиб олишга, жорий этиш ва уларни техник қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Мижозларга қулай ва сифатли банк маҳсулотларини тақдим этишда ахборот коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш орқали банкнинг молия бозордаги ўрни ва мавқеини ошириб бориш мақсадида масофавий хизматлар кўрсатиш янги босқичга олиб чиқилди.

### Хусусан:




Мижозларга масофавий банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида

Жисмоний шахслар учун замонавий талаблар асосида янги “Quant” мобил платформаси ишлаб чиқилди. Мобил иловада базавий хизматларни онлайн кўрсатиш йўлга қўйилиб, фойдаланувчилар сони 5 мингдан ошди.

Жисмоний ашахсларга масофавий хизмат кўрсатиш ҳажми кескин ошди.

Хизматдан фойдаланувчилар сони, донa


Хизмат тури	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
Интернет банкинг	16 511	31 936	37 541	43 947
Мобил банкинг	16 511	31 936	37 541	43 947
СМС-хабарнома	95 045	98 089	97 250	98 103
QUANT мобил иловаси	0	9	129	5 136



Юридик шахслар учун интернет банкинг, мобил банк ва смс банк масофавий хизматлар кўрсатиш қўлами ва имкониятлари кенгайтирилди.

Хизматдан фойдаланувчилар сони, дона

Хизмат тури	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
Интернет банкинг	4091	4346	4529	4881
Мобил банкинг	7351	8295	8813	9131
СМС-хабарнома	6960	6951	6906	6862



## ТЕХНОЛОГИК ПЛАТФОРМА



CRM лойиҳасини амалга ошириш доирасида iABS дастурий мажмуаси базаси ягона мижоз (битта мижоз-битта ёзув) технологияси асосида қайта ташкил қилинди



Веб-сайт янги хостинг майдонга жойлаштирилди ва ишга туширилди. Банкнинг расмий веб-сайти дизайни ва структурасини такомиллаштириш бўйича комплекс техник-дастурий ишлар амалга оширилди



Электрон ҳужжат алмашинуви бўйича тизимнинг модернизация қилинган янги таҳлилини ўрнатиш ва ишга тушириш учун сервер ресурслари ажратилди ва тегишли созланмалар амалга оширилди



iABS дастурий мажмуасида, Чакана амалиётлар қуйи тизимида "PPH" технологияси жорий қилинди ва ишга туширилди

## Тадқиқотлар ва Инновация.

1

Банкда NFC технологияси орқали тўловларни амалга ошириш хизматини жорий қилишда амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, жисмоний шахслар учун мўлжалланган "Quant" мобил иловасида, ўзининг рақобатчиларидан фарқли равишда NFC технологияси асосида "HUMO Pay" контактсиз тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилди. HUMO картасидаги маблағни NFC технологияси ёрдамида бошқа HUMO картасига ўтказиш мумкин бўлди.

Тўловларни 24/7 тўлов тизимида ўтказиш йўлга қўйилди.

2

3

Ахборот технологиялари ва рақамлаштириш департаментининг янги ташкилий тузилмаси тасдиқланди ҳамда департаментнинг таркибий бўлинмалари кесимидаги вазифалари маъқулланди. Таркибий тузилма малакали ходимлар билан бутланди.

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ БЎЙИЧА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР



## Режалаштирилган ишлар



## CUSTOMER ORIENTATION

### Customer orientation in the field of protection of the rights of banking services consumers

1

Business Branch, considering the objections and opinions of customers with communication numbers  
In addition to the information department on the website, phone numbers were posted "Customer Service" information centers.

The interactive services on the bank's official website has introduced electronic application.

2

3

Information stands "Consumer angle" were organized to provide customer transparent information in Head office and the branches.  
The procedure for providing banking services to customers, conditions and the value of the value, banking operations, interest rates, the procedure for consideration of consumer appeals, and the procedures for applications, and the addresses they seek, and the resources protection methods were posted.

From December 27, 202 to January 15, 2021, the Bank's clients were surveyed and result was analyzed and proposals were made to the Board of the Bank on the basis of reviews.

4

5

In order to contribute to the trust of Bank clients, various social media has been developed; such as, "Facebook, Instagram, Telegram"

**6**

JSCB "Qishloq qurilish Bank" has been developed instructions which provides communication with consumers to local bank personnel, to work with their objections and control these standards.

To provide fast and quality information to the population, bank offers services, that work with customer appeals and 78 150-00-55 (short 1254) these phone number activity has been launched.

**7**

**8**

The implementation of the project management (CRM) project has begun.

In order to create conveniences for bank customers, 5 buildings of the bank have been completely renovated. In the process of renovation, attention was paid to the creation of convenience to customers.

**9**

**10**

During the year, 24 additional banking service centers have been established.

## RETAIL BUSINESS

### Implementation of the Hi-tech applications



Receiving money transactions from abroad was enabled through “QNB Mobile”

Customers can perform currency exchange via ATM machines



Credit model has been applied. Customers with existing loans are able to get new loans without extra documents.

Personal hubs, online applications and delivery of banking services have been developed.



24 banking service centers and more than 24/7 desk services have become available to use.

Payment through NFC and QR code have been created.



## Future plans in modern IT directions



**Cash-back and Co-brand systems development in cooperation with customers**



**Deposit card use in place of deposit book**



**Based on digital techs, creation of single mobile platform for customers**



**Automatization of “Credit conveyer” and covering more than 70k customers**



**Virtual cards application by cooperation with international payment systems**


# INVESTMENT CONDITION

## Credit lines attracted and being assimilated by bank

### In housing program



### For entrepreneurship





**EBRD**

Development of fruit and vegetable growth

**34,0**



**BTS (Albany)**

Project finance

**15,0**



**KfW IPEX-Bank (Germany)**

Buying techs from Germany/Europe

**55,0**



**AKA bank (Germany)**

**55,0**



**Commerzbank (Germany)**

**11,0**



**IFAD**

Ferghana valley

**3,0**



**EBRD**

**30,0**



**ADB**

Development of animal husbandry

**10,0**

**Eurobonds**

Project finance

**55,0**



**SQB**

Project finance

**20,0**



**JICA**

Development of fruit and vegetable growth

**15,0**



**NBU**

Project finance

**20,0**

## TECHNOLOGICAL PLATFORM

JSCB "Qishloq Qurilish Bank" has provided 2,960.0 million soums for the development of information and communication technologies in 2020. and \$ 1,625.0 thousand US dollars were invested. During the reporting year, it was effective with more than 20 national and foreign IT companies. These funds were directed to strengthen the material and technical base of the Bank, including new modern servers, purchase, introduction, implementation, and technical support.

Distance services were taken to a new level to increase the role and status of the Bank for the provision of information and quality banking products in the provision of convenient and effective banking products.

### In particular:




In order to improve the quality of the distance banking services to customers,

The new "Quant mobile" platform has been developed on the basis of modern requirements for individuals. On the mobile application, the online application is available and the number of users exceeds 5 thousands.

The volume of distance services to individuals has increased sharply.

Number of service users, pcs


Service	Q1	Q2	Q3	Q4
Internet banking	16 511	31 936	37 541	43 947
Mobile banking	16 511	31 936	37 541	43 947
SMS-info	95 045	98 089	97 250	98 103
QUANT	0	9	129	5 136



Bank has expanded the scope and options of Internet banking, Mobile Bank and SMS Banking.

Number of service users, pcs

Хизмат тури	Q1	Q2	Q3	Q4
Internet banking	4091	4346	4529	4881
Mobile banking	7351	8295	8813	9131
SMS-info	6960	6951	6906	6862



## TECHNOLOGICAL PLATFORM



The IABS Software base was reorganized based on the single client (one customer-one writing) in implementing of CRM project.



The website has been placed and launched in the new hosting field. A comprehensive technical and program work on improving the design and structure of the bank's website has been carried out.



Service resources for establishment and commissioning the new document exchange system and related settings were made.



PPH technology has been introduced in the labs software complex, in the lower system of retail operations.

## Researches and innovation

1

Payment by the Bank of NFC technology is carried out in the bank. In particular, the Quant for individuals, unlike their competitors, it is possible to make contacts without "Humo Pay" on the basis of NFC technology and money transfers. The funds on Humo card could be transferred to another Humo card using NFC technology.


2

Payments were made in the 24/7 payment system.


3

A new organizational structure of the Department of Information Technologies was approved and the tasks of the department were assigned. Organizational structure has been filled with skilled personnel.

## TASKS IN APPLYING HIGH-TECHNOLOGIES



## PLANNED TASKS



## **КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ** **CORPORATE MANAGEMENT**

---

101	<i>Корпоратив бошқарув</i>
119	<i>Corporate management</i>

---

103	<i>2020 корпоратив йилдаги асосий тенденциялар</i>
121	<i>Main tendencies in corporate year of 2020</i>

---

107	<i>«Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида» ги низом</i>
125	<i>Resolution on "Corporate management in commercial banks"</i>

---

109	<i>Акциядорлар умумий йиғилиши</i>
127	<i>General meeting of Shareholders</i>

---

111	<i>Банк Кузатув кенгаши таркиби</i>
129	<i>The structure of the Supervisory Board</i>

---

115	<i>Ижро органи. Банк Бошқаруви таркиби</i>
133	<i>Executive body. The structure of the bank Management</i>

---



## Корпоратив бошқарув тизими тўғрисида

Корпоратив бошқарув деганда банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан, бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш тушунилади.

Қуйидагилар самарали корпоратив бошқарувнинг асоси ҳисобланади:

- банкнинг ички ҳужжатларида белгиланадиган ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланиши;
- етарли даражадаги ҳисобдорлик;
- ўзаро назорат қилиш ҳамда банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинишининг олдини олишни таъминловчи, банк бошқаруви органлари ва (ёки) таркибий тузилмалар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;
- ўзининг ваколатлари ва вазифаларини яхши билувчи, функционал вазифаларини бажаришда юқори даражадаги ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этувчи, банк кузатув кенгашининг (бундан буён матнда кенгаш деб юритилади) ва ижроия органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) юқори малакали аъзолари мавжудлиги.

Кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларининг масъулият билан жавобгарликни ва жонкуярликни намоён қилишига қуйидагилар киради:

- қарорларни онгли равишда қабул қилиши ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қилиш, шу жумладан, қарорларни ўз ваколатлари доирасида ва мавжуд маълумотларни ҳар томонлама баҳолаган ҳолда қабул қилиш;
- хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш;
- қонун ҳужжатлари, банк устави ва банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Кузатув кенгаши ва бошқарув аъзо-ларининг содиқлик билан хизмат қилишига қуйидагилар киради:

- ўзлари билан боғлиқ барча мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш;
- ўз хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;
- манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ва банк манфаатлари йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмаслик.



## ДИВИДЕНД СИЁСАТИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

### Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк” Кузатув кенгашининг 2020 йил 30-январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган

Дивиденд сиёсати Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (Янги таҳрир) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк филиаллари томонидан қатъий риоя қилиниши шарт бўлган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори банк Кузатув кенгаши тавсиясига кўра акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тўлаб берилади.

Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

Дивидендларни тўлаш муддати акциядорлар Умумий йиғилиши чиқарган қарор билан (шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим) белгилаб қўйилади.

Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда, имтиёзли акциялар бўйича сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

Акция учун маблағ қайси валюта бирлигида тўланганидан қатъий назар, дивидендлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валюта бирлигида амалга оширилади.

Дивиденд тўлаш бўйича қарор қабул қилингандан сўнг, акциядорлар дивидендлари, акциядорлар реестрида қайд этилган ҳисобрақамга тўлаб берилади.

Акцияларнинг барча турлари бўйича дивидендлар ҳисоб-китоби Бош банкнинг Қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлими ва банкка хизмат кўрсатувчи депозитарий томонидан тайёрланади.

Қуйидаги ҳолларда банк акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- банк устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида банкда шундай белгилар пайдо бўлса;

- банк соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва заҳира жамғармалари қийматидан кам бўлган ҳолларда;

- акциядорлардан қайта сотиб олиннадиган акциялар (банк эгалик қилаётган ўз акциялари) тўлиқ қайта сотилгунга қадар;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан дивидендлар тўланишига оид чекловларга риоя этилмаган ҳолларда.

## 2020 КОРПОРАТИВ ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

### Корпоратив бошқарув тизимидаги ўзгаришлар



Банкнинг Кузатув кенгашига қўшимча 2 нафар мустақил аъзо қабул қилинди



Банк таваккалчиликларини (риск) бошқариш қўмитаси ташкил этилди



Банк корпоратив бошқарув тизими мустақил ташкилот томонидан баҳоланиб ижобий хулоса олинди



ISO 9001: 2015 халқаро стандартига мувофиқ Сифат менежменти тизими сертификати лойиқ топилди



2020 йилда банк Бошқарувига 2 та янги Раис ўринбосарлари ишга қабул қилинди



Банкнинг Кузатув кенгаши таркибида мустақил аъзолар сони 3 нафарга етказилди




Банк ташкилий тузилмаси қайта шакллантирилди



Фаолият йўналишлари бўйича блок раҳбарлари тайинланди



Банкда лойиҳалаш маркази (Лойиҳалаш офиси) ташкил этилди



## 2020 КОРПОРАТИВ ЙИЛДАГИ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

### Банк тизимида фаолият юритаётган ходимлар сони, дона



### Банк тизимида 2020 йил давомида малака оширган ходимлар сони, дона



### Режалаштирилган ишлар



Ҳар бир ходимнинг фаолияти натижаларини баҳолаш асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимларига ўтиш KPI тизимини жорий қилиш

HR электрон дастурларини жорий қилиш орқали иш фаолиятини оптималлаштириш





**Вебинар, Blended learning, Flipped classroom, Spin-off технологияларини амалга кенг жорий қилиш**

**Истиқболли кадрларни танлов асосида танлаб олиш ва профессионал касб маҳоратини ошириб боришни рағбатлантириш**



**Ўқув жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш**

**Илғор хорижий тажриба (Moodle дастури) асосида ўқитиш тизимини йўлга қўйиш**



**Масофавий таълим хизматларини ривожлантириш**



# “ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМ

## Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 май, 12/8-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида” ги Низоми

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш асосларини белгилайди.

**Корпоратив бошқарув деганда** банк стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан, бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш тушунилади.

### **Қуйидагилар самарали корпоратив бошқарувнинг асоси ҳисобланади:**

банкнинг ички ҳужжатларида белгиланадиган ваколат ва вазифаларнинг аниқ тарзда тақсимланиши;

етарли даражадаги ҳисобдорлик;

ўзаро назорат қилиш ҳамда банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинишининг олдини олишни таъминловчи, банк бошқаруви органлари ва (ёки) таркибий тузилмалар ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши;

ўзининг ваколатлари ва вазифаларини яхши билувчи, функционал вазифаларини бажаришда юқори даражадаги ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этувчи, банк кузатув кенгашининг (бундан буён матнда кенгаш деб юритилади) ва ижроия органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) юқори малакали аъзолари мавжудлиги.

### **Кенгаш ва бошқарув аъзоларининг масъулият билан жавобгарликни ва жонкуярликни намоён қилишига қуйидагилар киради:**

қарорларни онгли равишда қабул қилиши ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис қилиш, шу жумладан, қарорларни ўз ваколатлари доирасида ва мавжуд маълумотларни ҳар томонлама баҳолаган ҳолда қабул қилиш;

хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиш;

қонун ҳужжатлари, банк устави ва банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Кенгаш ва бошқарув аъзоларининг содиқлик билан хизмат қилишига қуйидагилар киради:

ўзлари билан боғлиқ барча мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш;

ўз хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда ва банк манфаатлари йўлида ўз вазифаларини тўлақонли бажаришига тўсқинлик қилган тақдирда, қарор қабул қилишда қатнашмаслик.

### **Кузатув кенгаши фаолияти**

